

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ ЖАМОАСИГА

Азиз дўстлар!
Хурматли санъат аҳли!
Авваломбор, Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллик қутлуғ тўйи муносабати билан сиз, муҳтарам театр жамоаси ва мухлисларини, сизларнинг тимсолингизда бутун маданий жамоатчилигимизни чин қалбидан самимий муборакбод этаман.

Маълумки, дунёдаги ҳар қайси халқ, ҳар қайси давлатнинг маънавий тараққиёт даражаси аввало унинг маданияти, санъат ва адабиётида, жумладан, театр санъатида яққол намоён бўлади.

Бугун биз мамлакатимиз тарихидаги унутилмас сана — нафақат юртимиз, балки Туркистон заминларидаги биринчи профессионал театр асос солган Ўзбек Миллий академик драма театрининг юз йиллигини нишонлар эканмиз, унинг шу даврда босиб ўтган мураккаб ривожланиш йўли, эришган ютуқ ва марралари кўз ўнгимиздан ўтиши табиийдир.

Эл-юртимиз бу даврда қандай қийинчилик ва машаққатларни, қувончли ва ташвишли кунларни ботириб кечирган бўлса, уларнинг барчаси ўзбек маданиятининг кўзгуси бўлмиш ушбу театр фаолиятида, унинг сахнасида намоён қилинган асарларда ўз аксини топган, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугун биз Миллий театримизнинг тамал тошини қўйган, бу йўлда қандай оғир синов ва тўсиқларга дуч келмасин, ўзланидан, ўз маслаҳидан қайтмаган, "Театр — бу ибратхонадир" деган ҳикматга амал қилиб, маънавий жасорат намунасини кўрсатиб яшаган Бехбудий, Мунавварқори, Авлоний, Чўлпон сингари маърифатпарвар боболаримиз, сахна санъати фидойиларининг сўнмас хотираси олдида бош эгиб таъзим қиламиз.

Мустабид тузум мафкурасининг тазйиқларига қарамадан, гуманистик гоғлар, юксак ижодий принципларга содиқ қолган Маннон Уйғур, Етим Бобононов, Олим Хўжаев, Аббор Хидоятлов, Наби Раҳимов, Шукур Бурҳонов, Обид Жалилов, Сора Эшонтураева, Зайнаб Садриева, Тохсўжа Хўжаев, Александр Гинзбург, Ғани Аъзамов каби ўнлаб атоқли ижодкорларнинг номларини миннатдорлик билан эслаймиз.

Бу мўътабар сахнада яратилган Абу Райҳон Беририй, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби буюк аждодларимизнинг барҳаёт сиймоларининг-минглаб томошабинларга инсонийлик, адолат ва эзгулик, меҳр-оқибат, олижанобликдан сабоқ бергани, уларни гўзаллик ва нафосат оламига ошно этиб келаётгани таҳсинга лойиқдир.

Бугунги кунда биз маънавий ҳаётимизни юксалтириш йўлида бошқалар

ҳавас қиладиган қандай катта натижаларга эришган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, бу борада театр санъати, хусусан, Ўзбек Миллий академик драма театрининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Айни шу боис бундан ўн уч йил муқаддам ушбу ижод даргоҳига Ўзбек Миллий академик драма театри деган юксак мақом берилгани унинг тарихида янги саҳифани бошлаб берди, десам, ўйламанки, барчангизнинг фикрингизни ифода этган бўламан.

Юбилей муносабати билан академик театр биноси тубдан капитал таъмирлангани, энг замонавий техника воситалар билан жиҳозлангани, Миллий театримиз бутунлай янгича қиёфа касб этиб, дунёдаги ривожланган давлатларнинг санъат масканлари билан беллаша оладиган даражага етгани барчамизга мамнуният бағишлайди.

Азиз санъаткорлар!
Бугун биз бунёд этаётган янги ҳаёт, янги жамиятнинг маънавий асосларини янада мустаҳкамлашда сизлар яратган ва келгусида яратадиган рангбаранг асарларни миллионлаб санъат ихлосмандлари ҳайрат ва ҳаяжон билан томоша қилишини, умр йўлларида барчамиз дуч келадиган, ҳар бир инсонни ўйлантирадиган мураккаб саволларга театр ибрати орқали жавоб топишни истаймиз.

Бу ҳақда гапирганда, халқимиз театр сахнасида бугунги ҳаётимизни теран акс эттирадиган, турли синовларда тобланган, ўз келажагини ўз қўли, ўз меҳнати билан яратаётган, Ватан тақдирини ўз тақдирини деб биладиган фидойи инсонлар — замонамиз қахрамонлари қиёфасини ёрқин ифода этадиган янги асарларни орзиқиб кутаётганини яна бир бор таъкидлаш ўринлидир.

Сиз, азизлар мамлакатимиз театр санъатининг энг яхши анъаналарини бойитиб, янги авлодларга безавол етказасиз, юксак бадиият ва ҳаққонийлик, эзгу мақсадларга хизмат қилиш руҳи билан сугорилган етук асарларингиз билан халқимиз, аввало, ёшларимизнинг маънавий оламининг янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшасиз, деб ишонман.

Қадри дўстлар!
Барчангизни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор табриклар эканман, сизларга янги-янги ижодий ютуқлар, сихат-саломатлик, хонадонларингизга бахту саодат тилайман.

Мухлисларингиз, санъатсевар халқимизнинг меҳри ва эътибори сизларни ҳеч қачон тарк этмасин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Президенти

Пойтахтимизда
28 ноябрь куни Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 22 январдаги "Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида" - ги қарори мамлакатимиз маданий ҳаётида унутилмас воқеалардан бўлди. Ушбу ҳужжат театр жамоасининг нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё минтақасида профессионал театр санъатига асос солиш ва уни ривожлантириш, халқимизнинг бой маданий мероси ва анъаналарини асраб-авайлаш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлодни эзгу қадриятлар, ватанпарварлик, фидойилик руҳида камол топтириш, ёш истеъдодларни тарбиялаш борасидаги улкан хизматларининг ёрқин эътирофидир.

Шу қутлуғ санага бағишланган

Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллиги

МАЪНАВИЯТ МАСКАНИНИНГ ҚУТЛУҒ ТҮЙИ

тадбирга вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олий таълим даргоҳлари профессор-ўқитувчилари, санъат ва маданият намояндлари, ижодкор зиёлилар, талаба-ёшлар, мухлислар тақлиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримовнинг Ўзбек Миллий академик драма театри жамоасига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Мамлакатимизда театрлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Буларнинг

барчаси юксак инсоний гоғларни тарғиб этувчи, замонамиз қахрамонлари образи яратилган мукамал саҳна асарларини яратишдек долзарб вазифани ижодкорлар зиммасига юклямоқда.

Президентимиз қарори ижроси бўйича капитал таъмирланган Ўзбек Миллий академик драма театри биноси санъат ихлосмандлари, театр фидойилари, кенг жамоатчилик учун ўзига хос тухфа бўлди.


Театр биносининг ташқи қисми, томоша залидаги ўриндиқлар, сахна остидagi ҳаракатлантирувчи механизмлар тўлиқ янгиланди. Саҳна кенг эффеқтли ёриткичлар, овоз кучайтириш ускуналари, томо-

шабинларга янада қулайлик яратиш мақсадида залда иккита йирик монитор ўрнатилди. Кичик зал драматурглар, режиссёрлар билан ижодий учрашувлар, талаба-ёшлар учун маҳорат сабоқлари, уларнинг илк ижодий ишлари намоишини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Театр музейи янги экспонатлар, саҳна санъати ривожига юксак ҳисса қўшган актёрлар, режиссёрлар, театр рассомлари, пардоз, грим ва декорация усталарининг портретлари, шахсий буюмлари, китоблар, қимматли фотосуратлар билан бойитилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Маълумки, ҳар қандай жамиятда оғамлар ўртасидаги муносабатлар қонулар билан тартибга солинади. Қонуларга амал қилинган жамиятдагина тинчлик ва тараққиёт бўлади. Аксинча эса, мамлакатда фаровонлик кузатилмайди, тартибсизлик ҳукм суради. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз айтганидек, "Қаерга қонун ҳукмрон бўлса, ўша ерда эркинлик бўлади".



ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Энг асосий қонун — Конституция ҳисобланади. Зеро, Конституция давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқ доирасида фаолият олиб боришини таъминлайди, демократия ва инсонпарварлик принципларига асосланган ҳуқуқий давлат барпо этишга хизмат қилади.

Конституция барча ҳуқуқий тизимнинг норматив асосидир. Унда белгиланган принцип ва нормалар қонунларда ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда аниқлаштирилиб, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳалардаги муносабатларни тартибга солиди.

Айтиш керакки, дунёда

иккинчи ҳақон урушидан сўнг қабул қилинган конституцияларда узвий, дахлсиз, инсон туғилгандан бошлаб эга бўладиган ҳуқуқ ва эркинликлар тўғрисидаги гоғлар илгари сурилган эди. Бундай гоғлар халқаро ҳужжатларда, жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳам ўз ифодасини топти. Шуларга асосан, ҳуқуқ устуворлиги принципи тан олинган мамлакатларда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бу гоғ янада ривожлантирилди. Конституциямиз мамлакатимиз-

да демократия умуминсоний қадриятларга асосланиши, унга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширишини белгилаб берди. Шу қондалар асосида, мамлакатимизда "Ислохот — ислохот учун эмас, аввало, инсон учун!", деган гоғ ҳаётга татбиқ этилди. Шу билан бирга, Бош Қомисимизда фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари,



ҳуқуқлари ва эркинликларига пўтур етказмасликлари шартлиги тўғрисидаги қоида ҳам ўз ифодасини топти.

(Давоми учинчи бетда)

Istiqlol imkoniyatlari

Кучли ижтимоий муҳофаза самаралари

Кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш Президентимиз Ислом Каримов томонидан янги давлат ва жамият қуришда асос қилиб олинган ва амалда ўзини тўла оқлаган таъминлардан биридир. Унинг моҳияти шундаки, аҳолининг барча, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари давлат ва жамиятнинг доимий эътиборида бўлади.

Мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, уй-жой қуриш ва аҳоли яшаш

масканларини ободонлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ана шу таъминларнинг амалда таъминланаётгани натижасидир.

Бу йил ушбу йўналишда кишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши дастурини амалга ошириш доирасида 1,5 триллион сўмлик инвестиция ўзлаштирилди. Янги кишлоқ массивларида намунавий лойиҳалар

асосида бунёд этилган қарийб 11 минг уй-жой фойдаланишга топширилди. Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини фол амалга ошириш натижасида жорий йилнинг тўққиз ойида 777,8 минг янги иш ўрни ташкил этилди.

Булар оддий рақамлар эмас, балки шунча оила, минг-минглаб инсонлар тақдирини янги маъно-мазмун билан бойитган, миллионлаб кўнглиларни обод этган эзгу ишлардир.

Зеро, бир кишининг ишли бўлгани оиладаги бир неча одамнинг фаровонлигини таъминласа, бир оиланинги янги уйга кўчиб ўтиши нафақат оиладагилар ва яқинлари, балки бутун маҳалланинг хурсандлигига сабаб бўлади. Қувонарлиси, халқимиз турмуши ободлигига, ҳаётининг безағига айлана бораётган бундай эзгу ишлар қўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

Савол беринг, жавоб берамиз

Айтинг-чи, амалдаги қонунларимизда электр симини қасддан узган шахсга нисбатан жавобгарлик белгиланганми?

Абдуқаҳор ҒОЙИПОВ,
Қашқадарё вилояти,
Шахрисабз тумани

— Ҳа, белгиланган. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 102-моддасига мувофиқ, 1000 вольтгача кучли электр тармоқларини (ҳаво, ер ости ва сув ости электр узатиш, киритма ва тақсимлаш қурилмаларини) муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, башарти, бу ҳол истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлашда узилишга, электр тармоқларининг шикастланишига ёки халқ ҳўжалигига бошқа хил зиён етишига олиб келса ёки олиб келиши мумкин бўлса — фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса, бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

ларга эса, иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1000 вольтдан ортиқ кучли электр тармоқларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, башарти, бу ҳол истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлашда узилишга, электр тармоқларининг шикастланишига ёки халқ ҳўжалигига бошқа хил зиён етишига олиб келса ёки олиб келиши мумкин бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса, бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

— Ён қўшним деворини бузиб, шундайлигича кўча юзига ташлаб қўйди. Айтинг-чи, унинг бу ҳаракати қонунга зид эмасми?

Ш.ЖАВЛОНБЕКОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси,
Элликқалъа тумани

— Ҳа, унинг бу ҳаракати қонун талабига зид. Чунки амалдаги қонунда бундай ҳаракатларга нисбатан жавобгарлик белгиланган. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 161-моддасига кўра, шахарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг ҳудудларини ободонлаштириш қоидалари

бузиш, шунингдек, тозалик ва санитария тартибининг таъминлаш қоидаларига риоя қилмаслик — фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса, бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

— Эшитишимча, ҳужжатларни сақлаш учун нотариусга тақдим қилиш мумкин экан. Айтинг-чи, сақлаш учун қабул қилинган ҳужжатларни қайтариб олиш тартиби қандай бўлади? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз?

Р.ШУҲРАТОВА,
Навоий вилояти



ган бўлса, шахснинг илтимосига кўра, нотариус уларни рўйхатсиз ҳам қабул қилиб олиши мумкин. Ҳужжатлар ўрамига нотариуснинг муҳри қўйилди ҳамда у нотариус ва ҳужжатларни топширган шахс томонидан имзоланади. Бундай ҳолларда нотариус ҳужжатлар ўрамининг бут сақланиши учун жавоб беради.

Ҳужжатларни сақлаш учун топширган шахсга гувоҳнома берилади. Шунингдек, мазкур қонуннинг 84-моддасига сақлаш учун қабул қилинган ҳужжатларни қайтариш тартиби кўрсатилган бўлиб, унга кўра, ҳужжатларни сақлаш учун топширган шахсга ёки унинг қонуний вакилига гувоҳнома ва ҳужжатлар рўйхатини тақдим этганидан кейин ёхуд суднинг қарори бўйича қайтариб берилади.

— Айтинг-чи, амалдаги қонунларимизда бирон-бир шахсни ҳақорат қилган ва унга енгил тан жароҳати етказган кимсаларга нисбатан қандай жавобгарлик белгиланган?

Жавли УЛАШЕВ,
Қашқадарё вилояти,
Қамаш тумани, Ойнакўл қишлоғи

— Маълумки, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 41-моддасига мувофиқ, ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситиш — энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Шунингдек, мазкур кодекснинг

52-моддасига кўра, қасддан енгил тан жароҳати етказиш, бу ҳаракат соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятини унча кўп давом этмайдиган турғун тарзда йўқотишга олиб келмаган бўлса — энг кам иш ҳақининг икки бараваридан тўрт бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Саволларга Олий суд катта консультанти
Гулнора МИРЗААЛИМОВА жавоб берди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 27 ноябрдаги "Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллиги муносабати билан театр ижодкорларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармонига кўра ижодий жамоанинг бир гуруҳ ходимлари Ватанимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди.

Тадбирда Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топириди.

Маросимда театр директори М.Исмоилов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон халқ артисти М.Ҳолиқова, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист А.Набиев, "Дўстлик" ордени соҳиби, театр расмони С.Ўйи ва бошқалар миллий маънавиятимиз, маданиятимиз ва санъатимиз ривожини янги парвозлар сари руҳлантириш борасида кўрсатаётган улкан гамиҳуриги учун Президентимиздан беҳад миннатдоримиз.

Бадиий кечада Миллий театрининг 100 йиллигига бағишланг киноижодкорлар то-

Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллиги

МАЪНАВИЯТ МАСКАНИНИНГ ҚУТЛУҒ ТҲЙИ

тўлдиргани таъкидланди.

— Юртимиздаги тинч-осойишта ҳаёт, маънавий-маърифий соҳалардаги буюк ўзгаришлар театр санъати ривожига ҳам асосий омил бўлмоқда, — дейди Ўзбекистон халқ артисти, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби Тўти Юсупова. — Камтарона меҳнатим юксак қадр ва эъзоз топганидан гоёт мамнунман. Биз — санъаткорларга қаратаётган иззат-эҳтиромни, ёшлар маънавиятини юксалтириш, театр ижодкорларини янги парвозлар сари руҳлантириш борасида кўрсатаётган улкан гамиҳуриги учун Президентимиздан беҳад миннатдоримиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

Шу кунги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида "Ўзбекистон театр санъати: тарих, тараққиёт ва истиқбол" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон Фанлар академияси, "Ўзбектеатр" ижо-

монидан яратилган ҳужжатли фильм, вилоятлар ва пойтахтимиздаги театр жамуанда давлат ва жамоат иштирокида тайёрланган театрлаштирилган мусикий дастур намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

Шу кунги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида "Ўзбекистон театр санъати: тарих, тараққиёт ва истиқбол" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон Фанлар академияси, "Ўзбектеатр" ижо-

дий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, театршуннос олимлар, профессор-ўқитувчилар, драматурглар, режиссёрлар, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги вакили бажарувчи Б.Аҳмедов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вице-президенти Б.Абдуқалимов, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори Б.Сайфуллаев, Ўзбекистон халқ артисти Т.Азизов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий театр санъатимизни ривожлантириш борасидаги эзгу ишлар кўлами кенгайиб бора-

ётганини таъкидлади.

Ўтган йиллар мобайнида Миллий театримизда сахналаштирилган кўплаб асарлар халқимиз қалбидан жой олди.

Конференцияда драматургия ва театр репертуари, Миллий театр режиссураси истиқболлари каби мавзулардаги маърузалар тингланди.

Анжуман доирасида "Ўзбек Миллий академик драма театри" китоб-альбомининг тақдироти бўлиб ўтди. Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйида чоп этилган ушбу китоб-альбом ўқувчиларнинг театр тарихига оид билимини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Назокат УСМОҲОВА,
ЎЗА муҳбири

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга янада кенг ҳуқуқ ва эркинликлар бериш мақсадида соҳага оид норматив-ҳуқуқий база доимий равишда такомиллаштириб боришмоқда.

Qonun ko'magi

Кичик бизнесга — катта имкониятлар

Бу борада, айниқса, Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу Фармонга кўра, юртимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш учун 17 та янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш ҳамда амалдаги 20 та қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Кейинги даврда ушбу йўналишда муайян ишлар амалга оширилди. Натияжада, жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектлари учун қатор қулайлик ва имтиёзлар яратилди.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 15 апрелда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, шу йил 1 июндан эътиборан, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рўхсат этиш характерига эга бўлган, яъни лицензия, гувоҳнома каби ҳужжатларнинг 22 тури бекор қилинди.

Умуман олганда, илгари тадбиркорлар турли йўналишлар бўйича

рухсат этиш хусусиятига эга бўлган қарийб 400 та ҳужжат олишлари зарур эди. Эндиликда бундай ҳужжатларнинг сони 2 баробарга қискарди.

Шунингдек, тадбиркорлар ўз маблағларини банкдан талаб қилганда, маблағни бериш асосиз рағб этилса ёки унинг маблағлари хайрия ёки бошқа тадбирларга мажбурий равишда жалб этилса, бундай ҳаракатлар учун тижорат банкларининг мансабдор шахслари жиноий жавобгарликка тортилади.

Яна бир имтиёз солиқ соҳаси билан боғлиқдир. Яъни, солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлайдиган, барқарор ўсиш суръатларини таъминловчи кичик тадбиркорлик субъектларининг молжавий-ҳўжалик фаолияти устидан 2017 йил 1 январгача бўлган муддатга солиқ текшируви ўтказилмайди. Шу имтиёз туфайли фақат жорий йилнинг ўзида интизомли солиқ тўловчи ҳисобланган 100 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти текширишлар режасидан чиқарилди.

Қолаверса, кичик тадбиркорлик субъектлари ўз ҳисобларидан дав-

лат бюджетига солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганда, банклар томонидан хизмат учун тўлов ундириш амалиёти ҳам бекор қилинди.

қонунчиликка риоя этилиши устидан доимий назорат амалга оширилаётганини қайд этиш жоиз. Чунки бунда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бевосита ҳимоя қилинади.

Шу билан бир қаторда, жойларда тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти мунтазам ўрганилиб, бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан тегишли тақлифлар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, тадбиркорлик фаолиятига янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, йил бошидан буён қирққа яқин қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан тегишли тақлифлар ишлаб чиқилди.

Ушбу тақлифлар асосида бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли қўшимча ва ўзгаришлар киритилганини ҳам қайд этиш лозим. Масалан, тадбиркорларга бозор инфра-тузилмасидан фойдаланганлик учун ижара тўловлари миқдори камайтирилди.

Мухтасар айтганда, бундай изчил ва катъий саъй-ҳаракатлар туфайли, бир томондан,

юртимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига янада кенг йўл очилаётган бўлса, иккинчи томондан, мамлакатимиздаги ишбилармонлик ва инвестиция муҳити даражасининг халқаро рейтингини сезиларли даражада ошиши таъминланмоқда. Шу тариқа кичик бизнес иқтисодий-иқтисодий барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора муҳим ўрин тутмоқда.

Сирожиiddин МУҲИДДИНОВ,
Адлия вазирлигининг
Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси етакчи маслаҳатчиси

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат барпо этишнинг таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими тубдан ислоҳ қилинган, хусусан, суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим чора-тадбирлар туфайли инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлиги ошди. Судларнинг жиноий, фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилиши билан бир қаторда, суд ишларини апелляция ва кассация тарзида кўриб чиқиш институтлари жорий этилгани ҳам шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Маълумки, амалдаги "Судлар тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, қонуний кучга кирмаган суд қарорлари устидан келиб тушган шикоят, протестларни кўриб чиқувчи апелляция инстанцияси жорий этилди. Айни пайтда кассация тартибидан иш юритиш, яъни қонуний кучга кирган суд қарорлари устидан келиб тушган шикоят ва протестлар асосида ишни юқори инстанцияда кўриш тартиби белгиланди.

Кассация инстанциясининг энг муҳим вазифаси — қўрилган ишлар бўйича биринчи босқич судлари томонидан йўл қўйилган моддий ёки процессуал қонун бузилиши ҳолатларини ўз вақтида тузатишдан иборатдир. Бунда иш қайтадан тўлиғича, мазмунан қўрилмасдан, фақат шикоят қилинган қисми бўйича моддий ва процессуал ҳуқуқий мезърларнинг тўри татбиқ этилгани текширилади.

Қонуний кучга кирган, апелляция тартибидан қўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан

қилинган суд қарори чиклан кундан эътиборан бир йил ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган бошқа шахслар, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар кассация тартибидан шикоят бериши ва прокурор протест келтириши мумкин. Фуқаролик-процессуал кодекснинг 348^б-моддасида кассация шикояти бериш ва кассация протести келтириш тартиби белгилаб қўйилган.

Судья, зарур ҳолларда, кассация шикояти берган шахс ёки кассация протести келтирган прокурор зиммасига кассация шикояти ёки протестига илова қилинган ёзма материалларнинг нусхаларини ишда иштирок этувчи шахслар сонига мутаносиб миқдорда тақдим этиш мажбуриятини юқлиши мумкин.

Фуқаролик-процессуал кодексининг 348^б-моддасида биринчи инстанция судининг аж-

римни устидан шикоят берилганлиги ёки протест келтирилганлиги муносабати билан ишни қўридан кассация инстанцияси судининг ваколатлари кўрсатилган. Жумладан, кассация инстанцияси суди хусусий шикоят ёки хусусий протестни кўриб — ажримни ўзгаришсиз қолдиришга, шикоят ёки протестни эса, қаноатлантирмайликка; ажримни бекор қилишга ва ишни мохиятан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишга; ажримни бутунлай ёки қисман ўзгариштиришга ёхуд бекор қилишга ҳамда масалани мохиятан ҳал қилишга ҳақли.

Шу ўринда айрим мисолларга тўхталамиз. Даввогар Наима Шарипова (исм-шарифлар ўзгаририлган) жавобгарлар Дилшод Ибодов ва Санжар Ибодовга нисбатан уйга киритиш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган. Даввогар даъво аризасида Қибрай тумани, Чинобод қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Яшнобод кўчаси, 37-уйда жойлашган умумий фой-

даланиш майдони 840 кв.м. бўлган ер майдони ва бу ердаги иморатлар қайноқтаси, яъни жавобгар Д. Ибодовга тегишли эканини баён қилган.

Шунингдек, Н.Шарипова жавобгар С.Ибодов билан 2007 йилда қонуний никоҳдан ўтганини ва мазкур уйга келин бўлиб тушганини, биргаликдаги турмушларида икки нафар кизи борлигини, ўзаро келишмовчилик туфайли турмуш ўртоғи билан 2013 йил февраль ойидан буён бирга яшамётганини, ҳозирда вояга етмаган фарзандлари билан ота-онасининг уйида яшаб турганини, бир неча марта низоли уйдан ўзи ва фарзандларига алоҳида хона ажратиш беришни сўраб, жавобгарларга мурожаат қилса-да, уни уйга киритмаётганликларини маълум қилган, суддан мазкур уйдан алоҳида хона ажратиш ва уйдан фойдаланиш ҳуқуқини белгилаб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судининг ҳал қилув қарорига кўра, даввогарнинг даъво аризаси рад этилган.

Шундан сўнг Н.Шарипова кассация шикоятида суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқариш сўраган.

Судлов ҳайъати тарафларнинг тушунтиришларини, прокурорнинг кассация протестини қўллаб-қувватлаши ҳақидаги фикрини тинглаб, шикоят ва протестда келтирилган вақчаларни иш ҳўжатлари асосида ўрганиб, қуйидаги асосларга кўра, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво қаноатлантириш бўйича янги ҳал қилув қарори қабул қилишни лозим топди.

Islohot va samara

Кассация

